



№25 (878)
2025 йил 25 март,
сешанба

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook.com/uzbunyodkor telegram.com/uzbunyodkor instagram.com/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.



САМАРҚАНД жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутган илм-маърифат маркази

Буйил

**1 минг 619 километр
ичимлик суви,
521 километр оқова
сув тармоқларини
тортиш,
тизимдаги 162 та
иншоотни қуриш
ва реконструкция
қилиш
режалаштирилган.**

**Натижада 715 минг
аҳолига илк бор
тоза ичимлик
суви етиб боради,
135 минг хонадон
оқова тармоғига
уланади, 157 минг
истеъмолчига
замонавий
ҳисоблагич
ўрнатилади.**

Президент
Шавкат Мирзиёев
раҳбарлигида
2025 йил 17 март куни
ўтказилган
видеоселектор
йиғилишидан.

СУВ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ

аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий омиллар

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон учун сифатли ичимлик суви ва иссиқлик таъминотини яхшилаш, маҳаллаларни қўқаламзорлаштириш ва ободлигини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Зеро, бу соҳалар нафақат аҳоли турмуш даражаси ва ҳаётининг фаровонлигини белгилайди, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳам етарли таъсир кўрсатади.

Сув ресурслари ҳар қандай жамият учун энг муҳим манбаа. Ўзбекистонда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мавжуд ва янги сув тармоқларини модернизация қилиш, замонавий сув технологияларини жорий этиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш муҳим вазифаларга айланди. Натижа-

да тоза ичимлик суви етиб бормаган чекка ҳудуд, маҳаллалар оби-ҳаёт билан таъминланди. Инфратузилмани реконструкция қилиш ва сув таъминотини бошқаришни автоматлаштириш, соҳани рақамлаштириш ва янги технологиялардан фойдаланишга катта сармоялар киритилмоқда.

Бундан ташқари, тоза ичимлик суви аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда



муҳим омилдир. Шу сабабли ушбу соҳани ривожлантириш, сув сифатини қатъий назорат қилиш, замонавий фильтрлаш ва тозалаш усулларини жорий

этиш чора-тадбирлари билан параллел равишда олиб борилади.

► 3-бет

Янги очилган терминал йилига 120 минг тонна юк ташиш қувватига эга

Мамлакатимизда аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини ҳар йили ошириб бориш, ҳудудлардаги аэропортларда кетринг ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Uzbekistan airports” акциядорлик жамияти самарадорлигини кенгайтириш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тошкент аэропортида янги юк терминали фойдаланишга топширилиши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

тоннани ташкил этади. Ваҳоланки, ўтган 2024 йилда Тошкент аэропорти салкам 80 минг тонна юк ва почта жүнاتмаларини қабул қилган. Маъмурият ва ижарачилар жойлашган бино ва иншоотлар ҳам эскирган. Буларнинг барчаси юк ташиш комплексини кенгайтириш ва модерни-



Қайд этилишича, йилига 120 минг тонна юк ташиш қувватига эга янги юк комплекси 5,2 гектар майдонда жойлашган бўлиб, уч қаватли маъмурий бино, турли товарларни сақлашга мўлжалланган омборхона, шунингдек, енгил ва юк машиналари учун тўхташ жойини ўз ичига олади.

Омборхона 8 минг 500 кв/м майдонни эгаллайди ва унинг ичида маълум бир ҳарорат режимини сақлашни талаб қиладиган товарлар учун 500 квадрат метр майдондаги совутиш ва музлатиш камералари бор. Хусусан, омборхонада ўсимлик ва тирик ҳайвонлар, қимматбаҳо юклар, озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларни сақлаш учун махсус хоналар қурилган. Барча махсус хоналар ҳарорат ўлчашчилари билан жиҳозланган.

1994-2000 йилларда қурилган эски юк терминали умумий майдони 3 гектарча келадиган 20 га яқин эскирган кичик ва ўрта омбор ҳамда маъмурий бинолардан ташкил топган эди. Юк терминалининг ўтказиш қуввати аслида йилига 30 минг

зация қилиш заруратини талаб этган. Эски терминалдан янги терминалга босқичма-босқич ўтилади.

Шунингдек, омборхона фаолияти учун жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан замонавий ускуналар, хусусан, юк сақлаш стеллажлари, юк қўтариш ва ташиш, қадқоқлаш ускуналари ҳамда ҳисоб-китоб, автоматлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш ускуналари харид қилинди. Бу юкларни қайта ишлаш вақтини қисқартиради ва авиаташувчиларга умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди, деб ёзади ЎзА мухбири Муҳайё Тошқороева.

Бундан ташқари, UzCargo ходимлари, тегшли хизматлар (божхона, ветеринария, ўсимликлар карантини ва бошқалар), импорт ва экспорт компаниялари вакиллари, авиакомпаниялар ва декларантлар, шунингдек, юк қабул қилувчилар учун 3000 квадрат метр майдонга эга уч қаватли янги маъмурий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Илҳом ТЎРАЕВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
Иссиқлик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи.

БИНОЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ чора-тадбирлари белгиланди

Бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда коммунал соҳага, хусусан, аҳолини қулай яшаш тарзи билан таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Бу борада яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислох қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори яна бир муҳим қадам бўлди.

Қарорда аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа муассасалари ва тадбиркорлик субъектлари бино-иншоотларини барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлашнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари белгилаб берилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунга келиб, бутун дунёда, шу жумладан, бизда ҳам табиий энергия ре-

сурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш энг долзарб вазифалардан бирига айланган. Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда умумий энергия истеъмолининг 50 фоизи бино-иншоотларга тўғри келади, шундан, қарийб 70 фоизи иситиш учун сарфланади.

Шунингдек, аксарият жамоат бинолари 1970-1990

йилларда энергия самарадорлик ҳисобга олинмаган ҳолда қурилган.

Қарорга мувофиқ, биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари бўйича жорий йилнинг ўзида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

► 3-бет

САМАРҚАНД

жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин тутган илм-маърифат маркази

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Худудларни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борадаги муҳим вазифалар иқтисодий, инфратузилмавий ва ижтимоий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратади. Бугунги кунда жадал суръатларда ривожланаётган технологик ва инновацион тараққиёт шароитида худудларга инвестиция киритиш мамлакат рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли турмуш сифати яхшиланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда худуд саноат, қишлоқ хўжалиги, логистика ва туризм йўналишларида фаолиятни таъминлайдиган ўсиш нуқталарига айланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, ривожланиш мувозанатли ва самарали бўлса, Ўзбекистон учун бир қатор рақобатбардош устуңликларни таъминлайди. Булар иқтисодиётни диверсификация қилиш, юқори даромадли янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш каби жиҳатларни ўз ичига олади. Худудларда кичик ва ўрта бизнес ривожини ўз ўрнида маҳаллий бюджет ва даромадларнинг ўсишига ҳам олиб келади. Бу эса, ўз навбатда янги ижтимоий дастурларни молиялаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, ва бошқа соҳаларни барқарор ривожлантириш имконини ҳам беради. Бир сўз билан айтганда, худудларда ўсиш кўрсаткичларининг ошиши нафақат иқтисодий салоҳият, балки давлатнинг ижтимоий имкониятларни юксалтиради. Худудларни ривожлантиришга кучли суръат бериш аҳоли ҳаётини янада фаровон қилиш бўйича вилот, шаҳар, туман ҳокимлиги ва уларнинг ўринбосарлари, лойиҳалар ташаббускорлари ва маҳалла еттиликлари олдига аниқ вазифалар қўйилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев доимий равишда худудларга ташриф буюриб, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга қаратилган дастур ва лойиҳалар билан танишиб боради. Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги ташриф манзили Самарқанд вилоти бўлди.

Бошқа худудлар сингари мазкур худуд вилотда изчил ривожланиб бормоқда. 2024 йилда ялпи худудий маҳсулот 99 триллион 868 млрд сўмни ташкил этди. Ўсиш 6,9 фоизни қайд этган. 2024 йилда саноат соҳасида 8,8, қишлоқ хўжалиги 2,7, хизмат кўрсатиш 9,2 фоиз ўсиш кузатилган. Самарқанд вилотида 2024 йилда қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 14 триллион сўмни ташкил этди. 2025 йилда бу кўрсаткични 16 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Утган йили аҳоли учун 11 321 та уй қурилиб, бу йил ушбу кўрсаткични 12,5 тага етказиш режалаштирилган. Худудда ичимлик суви таъминотига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2024 йилда 254 километрга яқин ичимлик суви тармоқлари тортилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткични 300 километрга етказиш мўлжалланган. Вилотда жамоат транспорти тармоғи ҳам изчил



ривожланмоқда. 2024 йилда 10 та янги йўналиш йўлга қўйилган. Бу йил эса яна 15 та йўналиш очилиши режалаштирилмоқда. Инфратузилмани янада тақомиллаштириш мақсадида йўллارни асфальтлаш ишлари ҳам кенг миқёсда амалга ошириляпи. 2024 йилда 946 километр йўл таъмирланган бўлса, 2025 йилда бу рақамни 1 131 километрга етказиш мўлжалланган. Худудда энергетик қувватларни ошириш бўйича ҳам ишлар давом этмоқда. Масалан, 2024 йилда 3 та кичик ва микро ГЭС фойдаланишга топширилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткични 4 баробарга ошириб, 12 та шундай микро ГЭСни ишга тушириш режалаштирилган.

Маълумки, Самарқанд жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга бўлган илм-маърифат маркази ҳисобланади. Буюк муҳаддис Имом-ал Бухорий зиёратгоҳининг мавжудлиги ушбу муаззам заминнинг мақомини янада оширади. Имом Бухорийнинг маънавий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Самарқандда файласуфлар, олимлар, шоирлар ва хунармандлар ижод қилган бўлиб, уларнинг гоялари бутун авлодларнинг маънавий ривожланишига таъсир кўрсатган. Бугунги кунда Самарқанд вилотида тарихий ёдгорликларни реставрация қилиб, диний маърифатни қўллаб-қувватлаш, илмий марказларни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Янги таълим муассасалари очирилиб, халқаро анжуманлар ташкил этилиб, буюк мутафаккирларнинг асарлари ўрганилмоқда. Шу тариқа Самарқанд қадимий шаҳар эмас, балки ҳикмат, маънавий ривожланиш, маданий бойлик рамзи бўлиб қолмоқда. Кўҳна кенг ўтмиш ва келажакни билим ва маърифат занжири билан боғлайди.

Давлатимиз раҳбари бу сафарги ташрифини Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади. Имом Бухорий мақбараси бутун ислом оламида эъозли маскан. Кўп минг сонли зиёратчиларга шароитларни кенгайтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан бу ерда янги мажмуа барпо этилмоқда. Мажмуанинг умумий майдони 44 гектар. Бугунги кунда мақоабатли мақбара, 10 минг кишига мўлжалланган масжид қуриб битказилган. Баландлиги 75 метрлик 4 та минора

мажмуага улуғворлик бағишлаган. Шунингдек, музей, айвонлар, маъмурият ва хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилган. Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда миллий анъаналар ва иссиқ ранглардан фойдаланилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига "Саҳиҳи Бухорий"дан ҳадислар битилди. Бундан ташқари, худудда икки минг ўринли йигирмадан ортиқ меҳмонхона, хиёбонлар, тўртта таҳоратхона барпо этилади.

Бу йил юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланади. Шу ҳақдаги Президент қарорига калом илми султонининг Самарқанд шаҳридаги мажмуасини қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш белгиланган. Ташриф чоғида Президентимизга ушбу лойиҳа тақдимот қилинди. Қайд этилганидек, Мотуридий мажмуаси 1 500 кишига мўлжалланган жоме масжид, маъмурий бино қурилиши кўзда тутилган. У ерда кутубхона, мажлислар зали, инновацион музей ҳамда мутахассислар учун хоналар бўлади. Мажмуа яқинида зиёратчилар учун автотурагоҳ, таҳоратхона қурилади. Имом Абу Мансур Мотуридий ислом оламида ихтилофлар авж олиб, ҳар хил фирқалар кўпайган пайтда яшаган, бутун ҳаётини исломий ақидани ҳимоя қилиш ва маърифатини ёйишга бағишлаган. У зотнинг мотуридийлик таълимоти, "Тавилотул Қуръон", "Китоб ат-Тавҳид" каби асарлари бағрикенглик ва мўътадиллик тамойиллари билан аҳли сунна вал-жамоанинг маънавий асосларига айланган. Давлатимиз раҳбари бу тамойиллар бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб бораётганини таъкидлаб, аллома бобомизнинг меросини янада кенг ўрганиш ва жаҳонга тарғиб этиш, мажмуага келувчиларга шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Яна бир хайрли лойиҳа – Окдарё туманидаги Маҳдуми Аъзам қадамжосини обод қилишга қаратилган. Асли ҳозирги Косонсой туманида туғилган сўфий олим нақшбандия таълимотининг раҳнамоларидани бири бўлган. Илм ва дин йўлидаги узоқ сафардан сўнг, Самарқанд вилотида абадий қўнмин топган. Бу ерда Маҳдуми келувчи зиёратчилар ҳам кўп. Уларга шароитларни яхшилаш мақсадида Маҳдуми Аъзам мақбараси ёнида уч қаватли автоту-

рагоҳ, таҳоратхона қурилиши режалаштирилмоқда. Самарқанд заминидан етишиб чиққан бошқа олим ва мутафаккирлар, азиз авлиёларнинг қадамжолари ҳам босқичма-босқич таъмирланиб, обод қилинади.

Сўнгги йилларда энг замонавий стандартларга мос инфратузилма яратилгани туфайли Самарқанд шаҳри халқаро миқёсдаги йирик тадбирлар – олий ва юқори даражадаги саммитлар, конференция ва конгрессларнинг анъанавий мезбонига айланди. 2022 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Буюк ипак йўли" мажмуаси бунёд этилгани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиб, Самарқанднинг халқаро марказ сифатидаги салоҳиятини янада оширди.

Бу галги ташриф чоғида Президентимиз ушбу Халқаро туризм марказида бўлиб, у ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, яратилаётган шароитлар билан танишди. Мажмуада хорижий делегациялар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, қулайликларни кенгайтиришга қаратилган муайян ишлар олиб борилмоқда, қатор янги объектлар қурилмоқда. Жумладан, марказ худудида умумий майдони 1150 квадрат метр бўлган йирик концерт зали барпо этилмоқда. 100 кишини қабул қила оладиган маданият маскани замонавий акустика ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда ҳам Самарқандда йирик халқаро анжуманлар бўлиб ўтиши режалаштирилган. Бугунги кунда "Марказий Осиё – Европа Иттифоқи" биринчи саммити ва Иқлим форуми, "Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари" саммити, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини ўтказишга қизғин тайёргарлик қўрилмоқда.

– Шундай муборак кунларда Президентимиз Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиди, – деди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Зайниддин Эшонқулов. – Мажмуадаги қурилиш-таъмирлаш ишлари яқинида етиб қолай деди. Айтиш керакки, мазкур мажмуанинг меъморни Давлатимиз раҳбари ҳисобланиб, у киши бу ерга келганлар фақатгина зиёратга келмай, балки бу жойда ўзларига хулоса, илму-маърифат олсинлар, буюк бобокалонимизнинг тарихидан хабардор бўлиб кетсинлар, дея таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, Имом Бухорийнинг, "Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай", деган буюк ибораси бор. Айнан бутун Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар ҳам шунга қаратилган. Илм Ўзбекистонга қайтди, десак муболага бўлмайди. Бутун мана шундай улуг аждодаларимизнинг абадий қўним топган масканларини обод қилиш билан бир қаторда, албатта, ўша жойда илм ва маърифатни ривожлантиришга ҳам алоҳида ўрин берилляпти. Маълумки, мажмуа таркибида Имом Бухорий номидаги илмий-тадқиқот маркази мавжуд. Бу ерда ҳадис илми олий мактаби ўзининг фаолиятини юритиб, мажмуа таркибида инновацион музей ўз аксини топтоқда. Бу ерда ёшларимиз нафақат Имом Бухорий ҳазратларини ислом тарихидан бошлаб таълимотларини, уларнинг ижодий-илмий сафарлари, фаолиятлари, яратган асарлари, у кишининг этирофлари билан танишиб, бошқача бир кайфият, бошқача бир дунёқараш билан чиқиб кетишлари мақсад қилиб қўйилган.

Айтиш керакки, юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларимизнинг қадамжоларининг обод қилиниши, юртимизга сайёҳлар оқимининг ортишига замин яратади. Бу эса ўз-ўзидан юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузига ижобий таъсир ўтказади.

Янги Тошкентда яшил ҳудудлар КЕНГАЙМОҚДА

Янги Тошкент худудида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кенг қўламли кўчат экиш ишлари амалга оширилди. Тадбир жараёнида “Янги Тошкент” шаҳрини барпо этиш дирекцияси ходимлари ўз ташаббуслари билан келгусида боғ бўлиши режалаштирилган худудга дарахт кўчатларини экишди.



Маълумки, Янги Тошкентнинг катта қисми асосан яшил худудлардан иборат бўлади. Бу ташаббус шаҳар экологиясини яхшилаш ва аҳолига қулай яшаш муҳитини яратишга қаратилган бўлиб, Янги Тошкентни нафақат замонавий, балки яшил шаҳар сифатида шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Жорий йилда бу худудда 100 минг туп дарахт кўчати экилди. Хусусан, арча, чинор, эман, шумтол ва акация каби

узоқ яшовчи дарахтлар шулар жумласидан. Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида боғ ва истироҳат масканлари ҳам барпо этилмоқда. Яшил худудлар шаҳар микроклимани мўътадиллаштириш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳолига қулай яшаш шароитини яратишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Ўзимизни маҳсулот хорижникидан қолишмайди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Термиз туманида яшовчи Фурқат Норҳамидов уй-жой қуришга киришади. У даврларда зарур материаллардан бирини топса, бошқасини қидириб қўшни туманга отланарди. Топгани ҳам бир неча баравар қиммат бўларди. Салкам тўрт йил деганда, бир амаллаб тўрт хонали уйни тиклаб олган бўлсада, қурилиш ва унга зарур бўлган материалларни талабга мос келадиган нархларда топиш осон эмаслигини англаб етади.

Анча вақт овора бўлгани боис, тўрт хонали уйни тиклаш учун ҳазилакам пул сарflanмагани сабабли қурилиш материалларидан эшик-ром, гишт, ҳар хил бўёқлар, гулгоғоз сингари яна бошқа зарур ашёларни ўзимизда тайёрлашнинг наҳотки, имкони бўлмаса, дея ўйга толади. Охири, ўзи шу ишни бошлашга аҳд қилади.

Мақсадга эришишга қатъий киришган бўлажак тадбиркор маҳаллий хомашёлардан қандай материаллар ишлаб чиқариш мумкинлиги билан қизиқиб, ён-атрофдаги шу соҳага ихтисослашган корхоналар ва ишбилармонлар тажрибасини ўрганишга ҳаракат қилди. Қурилиш объектирига бориб, пудратчи ва буюртмачилар билан суҳбатлашиб, ўзимизда тайёрланган материалларнинг сифати, қулайлиги ҳамда чидамлиги ҳақида фикрлашди. Бу борада пойтахтимизда фаолият олиб бораётган олимлар ҳамда мутахассислардан ҳам маслаҳат олишни унутмади.

Аҳдиди қатъий турган киши барибир, мақсадига эришаркан. Буни Термиз туманида фаолият олиб бораётган “Олис осмон” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фурқат Норҳамидов мисолида қўриш мумкин. Бугунги кунда у давлат томонидан яратилган шароитларни ўз бизнесида самарали қўллаб, ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш орқали юрт фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни пайтда замонавий техника ва технологиялар кенг қўлланилаётгани натижасида корхонада 40 турдан ортиқ қурилиш-пардозлаш маҳсулоти тайёрланиб, ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 80 минг тоннани ташкил этмоқда. Шунингдек, бу маҳсулотлар маҳаллий бозорларни таъминлаши баробарида шартнома билан экспортга ҳам чиқарилляпти. Мухими, худудда яшовчи йигит-қизлардан 100 нафарга доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларга меҳнат дафтарчаси юритилади, таътилларда талабга қараб, дам олиш масканларига йўлланмалар ажрати-

либ, байрамларда моддий қўллаб-қувватланади. Корхона ёрлиғи билан тайёрланаётган материаллар сифатли ва бошқаларга қараганда арзонлиги учун талаб тобора ошиб бормоқда. Буни ҳисобга олган тадбиркор шу кунларда яна янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Фаолиятини кенгайтириб, цехлар қуриш мақсадида қўшимча линияларни олиб келиш ишлари бошлаб юборилган. Тайёрланган истиқболли лойиҳалардан бирида жамиятнинг асосий истеъмоли газ ва электр энергияси бўлгани боис, яқин-орада “яшил” иқтисодиёт технологияларини жорий этиш ҳам мақсад қилинган. Ҳозирда муқобил энергиядан фойдаланиш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилган.

– Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз доимий равишда лабораториядан ўтказилади, – деди Фурқат Норҳамидов. – Чунки сифат талаб даражасида бўлмаса, корхона касодга учрамаслигига ҳеч ким қафолат бермайди. Маҳсулотларимиз талаб даражасида экани боис, қўшни давлатдагиларда ҳам қизиқиш уйғотяпти. Масалан, беш йилдан буюн Тожикистон Республикасидаги бир нечта қурилиш ташкилотларига шартнома асосида экспорт қилляпмиз. Жорий йилдан бошлаб экспорт ҳажми янада ошиб, қўшни Афғонистон, Туркменистон, Қозғоистон ва Қирғизистон давлатлари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатяпмиз.

Сурхондарё вилоти ҳокимлигидан олинган маълумотга қўра, кейинги уч йил оралиғида қурилиш соҳаси қўлами янада кенгайиб, ихтисослашган корхоналарнинг худуд ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшаётган ҳиссаси бир неча баробарга ошган. Бунинг ҳисобига худудий ялпи ишлаб чиқариш маҳсулот ҳажми бир неча триллион сўмга етиб, шу йўналишдаги ўсиш суръати 110,6 фоизни ташкил қилди. Қисқа даврда бундай ютуқларга эрилиш замирида тадбиркор ва ишбилармонларга давлатимиз томонидан яратилган шароитлар мужассамдир.

Гастрономик кўча фойдаланишга топширилди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг барча худудлари янгиланиш сари юз тутмоқда. Айниқса, энг чекка худудларда қад ростлаётган катта-катта иморатлар, фойдаланишга топширилаётган ижтимоий соҳа объектлари, шинам турар жойлар аҳолининг чексиз қувончига сазовор бўляпти.

Ана шундай ўзгаришлар Тактақўпир туманини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифаларининг ижросини таъминлаш мақсадида Тактақўпир тумани “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини Дўстлик гузарини кўчаси бўйлаб замонавий қўринишдаги

24/7 тизимда хизмат кўрсатувчи гастрoномик кўча қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги объектнинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Мурат Атамуратов, туман ҳокими Жамбул Адиллов ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.



Айтиш жоизки, кўчани замонавий қўринишга келтириш учун 2 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари олиб борилди. Бу ерда жами 23 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, шундан, 10 та озиқ-овқат маҳсулот-

лари дўкони, 3 та гўзаллик саломи ва сартарошхона, 2 та гўшт маҳсулотлари шохобчаси, 2 та овқатланиш жойи ва 6 та бошқа йўналишлар бўйича хизмат кўрсатиш мажмуалари ташкил этилди.

СУВ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ

аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий омиллар

◀1-бет

Иссиқлик таъминоти инфратузилманинг яна бир муҳим элементи. Соҳани модернизация қилиш бўйича йўл харитасида замонавий иссиқлик изоляция материалларидан фойдаланиш, индивидуал иситиш пунктларини ўрнатиш ва иссиқлик таъминотини автоматлаштириш тизимларини жорий этиш каби энергия тежамкор технологияларга ўтиш тадбирлари кўрсатиб ўтилган. Мутахассисларнинг фикрича, муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш анъанавий манбаларга боғлиқликни камайтиради.

Маҳаллалар жамият ижтимоий тузилмасининг муҳим бўғини. Мамлакатимиз ҳаётининг янги ташаббусларини амалга оширувчи марказ сифатида муҳим роль ўйнайди. Уларни обод қилиш ва қўқаламзорлаштириш аҳоли турмуш даражасига таъсир қилади. Чунки, қулай экологик тоза жамоат массивларининг мавжудлиги ижтимоий айлоқларини мустақамлайди ва фаол соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади. Маҳалланинг ривожланиши ҳудудий иқтисодий барқарорлигини ҳам таъминлайди. Кичик ва ўрта бизнес учун қулай шароитлар яратилса, фаровонлик сари кўпроқ имкониятлар пайдо бўлади. Бу эса солиқ тушувларини кўпайтириш ва ишчиликни камайтиришга ёрдам беради.

Ушбу соҳалардаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун давлатнинг қўллаб-қувватлови, пухта ўйланган тартегик режалар ва инвестицияларни жалб қилиш, замонавий бошқарув ечимларини жорий этиш зарур. Шу билан бирга бунёдкорлик, ободонлаштириш жараёнларида аҳолининг фаол иштироки ҳам талаб қилнади.

Коммунал соҳанинг яна бир муҳим тармоғи оқова сув тармоғи ҳисобланади. Оқова тармоғи мавжудлиги қурилиш, sanoat ва хизматлар ривожини учун муҳим омил. Уни кенгайтириш учун бюджетдан ҳар йили триллионлаб маблағ сарфланмоқда. Лекин фақат шунга қараб қолмасдан, соҳага хусусий секторни кенгрок жалб қилиш зарурлиғи Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 17 март кунини ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиғи ва кишлоқ хўжалиғи билан боғлиқ масалалар бўйича ўтказилган видео-селектор йиғилишида кўрсатиб ўтилди. Хусусий шериклик лойиҳаларини кўпайтириш, йирик маҳаллий корхоналарни халқаро тендерларда қатнашиш имконини кенгайтириш муҳимлиги ҳам ана шу йиғилишда таъкидланганди.

– Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишда ичимлик ва оқова сув тизимларини ривожлантириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича бир қатор топшириқлар берилди, – деди “Ўзсувтаъминот” АЖ раиси вазифасини бажарувчи Аҳмад Сувонқулов. – Ўтган даврда қандай



ишлар амалга оширилгани ёки аниқ рақамлар асосида гапирадиган бўлсак, бутунги кунга келиб аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 63 фозидан 81 фозизга етказилган. Йиғилишда ичимлик суви таъминоти кўрсаткичини 83 фозизга ошириш, оқова сув тармоқларини 23 фозидан 24 фозизга етказиш вазифаси юклатилди. Биз энг олис ва қийин шароитли ҳудудларга ҳам сув етказиш даражасини оширишимиз зарур. Пскент ва Бўқа туманлари учун 6 минг кублик оқова сув тозалаш иншооти фойдаланишга топширилади. Давлатимиз раҳбари бизга аниқ лойиҳалар ва уларни молиялаштириш жараёнлари, ишларни юқори суръатларда давом эттириш юзасидан аниқ топшириқ ва вазифаларни белгилаб берди. Халққа сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида ушбу вазифаларни ортиғи билан бажаришга киришамиз. Яқинда давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи доирасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ичимлик суви бўйича 340 миллион евролик 3 та лойиҳа келишилади. Жумладан, Франциянинг “Suez” компанияси Денов, Шўрчи, Сарийосёе ва Қумқўрғондаги ичимлик суви таъминотини хусусий бошқарувга ояляпти. Натижада вилоятда марказлашган ичимлик суви қамрови 90 фозизга етиши кутилмоқда.

Соҳани рақамлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкидан 125 миллион АҚШ доллари жалб қилиниши белгиланган. Беш йилда йирик сув иншооти ва магистрал қувурларга 4 800 та “ақлли” ҳисоблагич, 2 800 та телеметрия тизими ўрнатиш кўзда тутилган. Бу электротехника sanoati учун катта бозор экани ана шу йиғилишда қайд этилиб, ҳисоблагич ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларга хизмат кўрсатиш-

ни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш эса тадбиркорлик субъектларини соҳага жалб этишда яна бир омил бўлиб хизмат қилади.

Иссиқлик таъминоти табиий газ энг кўп сарфланадиган соҳалардан бири. Шу боис 11 март кунини бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича Президент қарорини қабул қилинди. Унга мувофиқ, “Иссиқлик таъминоти” компанияси ташкил этилиб, ҳудудлардаги 23 та корхона унинг таркибига ўтказилди.

Таъкидланганидек, кейинги беш йилда иссиқлик тизимларини тиклаш учун 19 триллион сўм йўналтирилади. Марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови 37 фозидан 58 фозизга етади. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазириликка кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий муассасаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича тегишлича ишларни бажармоқда. Маълумки, 9 мингта уй-жой ва бинолар келгусида ёпиқ иситиш тизимига ўтказилади. Натижада иссиқлик йўқотилиши 2 баробар, газ истеъмоли 20 фозизга камаяди.

– Президентимиз ичимлик ва оқова сув, иссиқлик тизимлари, ободонлаштириш масалалари бўйича кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида бизга жуда кўп топшириқлар берди, – деди қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазири Шерзод Ҳидоятлов. – Жумладан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласида тизимли ишларни амалга ошириш вазифаси қўйилиб, республикаимизда оқова суви тизимини янада кенгайтириш, унинг қамровини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди. Давлат хусусий шерикчиликни жорий қилиш, давлат хусусий шерикчиликда тадбиркорларга қўшимча имкониятларни яратиш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Бу билан мамлакатимизда қамровини кенгайтиришга эришишимиз бўйича аниқ топшириқлар ўртага қўйилди. Биз бу бўйича ишларни “Сувтаъминот” АЖ билан биргаликда амалга ошириб,

нормаларни қайта кўриб чиқамиз. Бу ишларни жадаллаштириш бўйича тизим ташкилотлари ва бошқармалардаги ходимларни ўқитиб, ҳозирги замон талабларига мос ечимларни ечиш бўйича ишларни яхши йўлга қўйишимиз зарур.

Таъкидлаш керакки, республикаимизда иссиқлик ривожлантириш учун давлатимиз раҳбари томонидан тегишли қарор қабул қилинди. Авваллари, яъни 2016 йилгача фақатгина Тошкент шаҳрида, Навоий ва Бухоро вилоятидаги эски кўп қаватли уйларда иссиқлик тизими сақланиб қолганди. Янги уйларга эса икки контурли котёл ўрнатишга рухсат берилган. Айтиш керакки, энергия истеъмолини иқтисод қилишга у қалар каттик ёндошмаган эдик. Охириг 4-5 йилда иссиқлик тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хўссан, республикаимиздаги эски кўп қаватли уйларни ҳам қамраб, сифатли иссиқлик таъминотини етказиш учун қозонхоналар барпо этилганди. Ҳозирги кунга келиб, мазкур қарор билан иссиқлик таъминотини янада яхшилаш учун маблагни кўпайтириб, бутун республикада иссиқлик тизимини энергия тежамкор тизимда амалга ошириш бўйича акциядорлик жамияти ташкил қилиш кўзда тутилган.

Бизда иссиқлик манбаларининг аҳоли жуда ҳам оғир эди, корхоналарнинг деярли барчаси зарар билан ишларди. Ана энди ҳамма тизимини бир-бирига боғлаб, акциядорлик жамияти билан ҳозирги кунда амалга ошириладиган ишларни, замон талабларига мос технологияларни жорий қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлаш бўйича 5 йиллик дастур белгиллаб берилди. Биз энергияни тежаш бўйича фақат илғор тажриба орқали аҳолини марказлашган иссиқлик билан қамраб олишимиз мумкин. Бунда кўп қаватли уйларни марказлашган иссиқлик тармоғи билан улаб, уларни фақатгина қиш мавсумида меъёр билан биргаликда етказиб бериш ишлари белгиланди.

Ислоҳот

БИНОЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

чора-тадбирлари белгиланди

◀1-бет

Жумладан: 1. Чиноз ва Олтиариқ туманларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (иссиқлик насослари, куёш панеллари) ҳамда ресурс тежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда тўрт қаватли уй-жойларни барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлаш, ушбу уйларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун уларни изоляциялаш тажриба лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Бу тажрибани барча вилоятларда амалга ошириш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирилик ва ҳокимликлар билан биргаликда “2026-2030 йилларда кўп квартиралли уйларнинг энергия самарадорлигини оширишга қаратилган Дастур ишлаб чиқилади.

2. Ҳар бир вилоятда камид 100 та дан яқка тартибдаги уй-жойларда энергия йўқотишларини камайтириш учун уларнинг ташки ва том қисмини изоляциялаш, энерготежамкор ойна ва эшик ромларини ўрнатиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (куёш панеллари ва гелиоколлекторлар) ҳамда энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бунда, “Яшил” имтиёзли кредитларни янада кенг жорий этиш орқали келгусида доимий ишлайдиган механизмни йўлга қўйиш белгиланган.

3. Бухоро вилоятида ижтимоий соҳа ва давлат объектларида иссиқлик насослари, куёш панеллари ўрнатиш, фасадни изоляция қилиш, санитария-гигиена хоналари ташкил қилиш лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Бу лойиҳаларни жадал амалга ошириш учун халқаро тажрибага эга консалтинг компаниясининг техник кўмағи ва маслаҳат хизматларини жалб этиш режалаштирилган.

4. “Бухоро тажрибаси” асосида ҳар бир ҳудудда тўрттадан ижтимоий соҳа ва давлат объектларида иссиқлик қайта тикланувчи энергия манбалари, муқобил иссиқлик тизимлари ҳамда энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Келгуси йилдан Жаҳон банки билан ҳамкорликда “Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия” (СЕВУ) лойиҳаси доирасида қолган барча ижтимоий соҳа муассасаларида энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари кенг миқёсда амалга оширилади.

5. 2025 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган ижтимоий соҳа муассасаларининг

лойиҳа-смета ҳужжатларини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирган ҳолда тўлиқ энергия тежовчи ускуналар ўрнатиш чоралари қўрилади.

6. Шунингдек, республикадаги барча давлат мактабгача таълим муассасаларини куёш сув иситиш ускуналари (гелиоколлектор) билан тўлиқ жиҳозлаш кўзда тутилган. Бунда яна бир муаммоли масала, ҳозирда асосан шаҳарларда мавжуд бўлган қозонлар ва иссиқлик тизимларининг эскирган, энергия йўқотишлари юқори бўлган марказлашган иссиқлик таъминоти ҳам қарорда инобатга олинган.

7. Марказлашган иссиқлик таъминоти модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиғи вазирилик ва янги ташкил этиладиган “Иссиқлик таъминоти” АЖ билан биргаликда:

– кўп квартиралли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларига 8 681 та индивидуал иссиқлик пунктларини ўрнатиш (2025 йилда 480 та) орқали марказлашган иссиқлик таъминотини “ёпиқ тизим”га ўтказиш Дастурини амалга ошириш;

– иссиқлик тизимларидаги эскирган 103 та қозонхона ва 1,6 минг километр иссиқлик тармоқларини, шу жумладан, 2025-2026 йилларда 18 та қозонхона ва 258 километр иссиқлик тармоқларини янгилаш;

– ушбу тадбирлар учун 2025 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш

дастури доирасида 320 миллиард сўм ҳамда “ёпиқ тизим”га ўтказиш учун қўшимча 50 миллиард сўм маблағ ажратилади;

– давлат-хусусий шериклик асосида 9 та, шундан 2025-2026 йилларда Нукус ва Бухоро шаҳарлари иссиқлик таъминоти тизимларида когенерация технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни бошлаш чоралари қўрилади;

– Халқаро молия институтлари иштирокида 13 та шаҳар ва туманларда янги истиқболли модернизация лойиҳалари амалга оширилади. Мазкур лойиҳалар ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун Давлат бюджетидан 10 миллиард сўм маблағ ажратилилади;

– 2025 йилда 5 та Андижон, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари, Бўстонлик ва Нуробод туманларида лойиҳаларни бошлаш чоралари қўрилади.

Энг асосийси, қарорда белгиланган тадбирларнинг молиялаштириш манбалари ва маблағлари аниқ белгиллаб берилди. Бу эса яқин келажакда ўзининг ижобий натижаларини беради, албатта.

Иссиқлик етказиб бериш тизими яхшиланди

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Наманган шаҳрининг кўп қаватли уйларида яшовчи аҳолининг кўп йиллардан бери қийнаб келаётган иссиқлик манбаи ва иссиқ сув таъминотини яхшилаш йўлидаги амалий ишлар бугун янги технологиялар асосида такомиллашди.

2020-2021 йилларда соҳага дахлдор объектларда модернизация ва реконструкция ишлари олиб борилди. Вилоят иссиқлик манбаи давлат унитар корхонасида жами 28 та қозонхона бўлиб, уларнинг 22 тасида магистрал ва таркатувчи иссиқлик тармоқлари мавжуд. Улар орқали 1137 та кўп қаватли уйларнинг 65 таси маҳаллий иссиқлик таъминоти тизимига қамраб олинган. Кейинги икки йилда республика бюджетидан ажратилган 689,2 миллион сўм маблағ ҳисобига 5 та қозонхона ва 2,5 километр иссиқлик тузатиш тармоқлари мукаммал таъмирланди.

Бу борадаги янги лойиҳалардан бири Давлатобод туманидаги “Мустақиллик”, “Тўқувчи”, “Торлоқ”, “Навбахор” маҳаллаларини иссиқлик билан таъминловчи РК1 қозонхонаси бўлиб, бундан 3 йил аввал ҳам ҳудудда уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, коммунал хизматлари инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ҳамда ижтимоий соҳанинг истеъмолчиларга иссиқлик етказиб беришда қатор муаммолар юзага келаётган эди. 2022 йилда замонавий технология асосида 2 та янги қозонхона қурилиши учун маблағ ажратилиб, бу масала 2021 йил 21 апрелида Президентимизнинг тегишли қарори билан амалий ечим топди. Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг 15 миллион АҚШ доллари маблағи ҳамда

республика бюджетидан ажратилган 268 миллиард сўм қўшимча маблағ эвазига Хитой технологияси бўйича янги замонавий қозонхона барпо этилиб, бу борадаги узилишларга чек қўйилди.

– Президентимизнинг 2021 йил 21 апрелдаги Наманган вилоятига бўлган ташрифлари асосида махсус қарорлари қабул қилинган, – деди Давлатобод тумани “Иссиқлик манбаи” корхонаси раҳбари Адхамжон Тожибоев. – Мазкур қарор Давлатобод туманидаги мавжуд кўп қаватли уйларни марказлашган иссиқлик тизимига ўтказиш, мавжуд қозонхоналарни реконструкция ва модернизация қилишга қаратилган. Шу сабабли РК1 ва РК2 қозонхоналари қурилиб битказилди. Бу ерларга замонавий қозонхоналар ўрнатишдан бўлиб, икки дона захира қозон ва яна иккита ишчи ҳолатдаги қозон хизмат кўрсатади. Технология замонавий бўлиб, қозонхонадаги мавжуд қозонлардан ташқари экономайзер қурилмаси бор. Ушбу қурилма ёниб чиқиб кетаётган табиий газдан қайтишдаги сувни иситиб олиш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, иссиқлик тармоқларини ер остига олиш ва махсус изоляция қилинган қувурлар орқали 30 километр РК1да, 29,5 километр РК2да монтаж қилинган бўлиб, ўзидан иссиқликни йўқотмайди. Мавжуд тармоқларнинг барчаси Wi-Fi тизими орқали бош-



қарув пултига боғланган бўлиб, ҳар бир авария бўйича бошқарув пулти орқали сигнал бериб туради. РК1 қозонхона 21 та ижтимоий соҳа объектлари, РК2 қозонхона эса 15 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатади. 4 та маҳалла 7 592 та хонадонга, РК2 га эса 5 та маҳалла 8 700 та хонадонга хизмат кўрсатади. Ҳар битта кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмига замонавий иссиқлик алмашинув мухлитлари ўрнатишдан бўлиб, улар ёпиқ тизимга ўтказилди. Шунинг учун бизда табиий газдан 10-15 баробар, электр эрегиясидан 5-6 баробар, тоза ичимлик сувидан эса 30-40 баробар иқтисод қилинмоқда.

Лойиҳа доирасида қўлланадиган инновацияон техник ечимлар ва тармоқлардаги таъмирлаш харажатлари 80 фозизга камайди. Фойда-

ланиш қафолатининг 50 йилдан ортиши тизим имкониятларини янада кенгайтиради. 152 та кўп қаватли хонадон ва 20 дан ортик ижтимоий соҳа объектларида индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатишга бутун замонавий техника ва технология афзалликларини тўла намоеён этмоқда. Авваллари эски қозонхоналарда ойига 1 миллион 80 минг куб метр табиий газ сарфланган бўлса, эндиликда янги технология боис бу сарф салкам уч баробарга қискарди. Ҳозирги кунда 270 миллиард сўмлик сарф 1 миллиард 200 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич лойиҳанинг афзаллигини яна бир қарра исботлайди. Янги технологиянинг эҳсисидан фарқи, қозонхона лойиҳанинг ўзига хос услубда қурилган муҳандис ва техникларга яратилган шароитлар-

га ҳам алоҳида эътибор қаратилганида кўринади. Компьютер орқали бошқариладиган технология истеъмолчи, таъминотчи учун ҳам бирдек қулай. Яъни, қаерда носозлик ёки узилиш кузатилса, дарҳол бартараф этишга киришилади. Бу янгилашлар уй-жой фондини сақлаш, кўп қаватли уйларга сервис хизмати кўрсатиш тизимида БСК фаолиятида ўзига хос имкониятларни тақдим этди. Аҳолининг коммунал тўловлардан бўлган қарздорлиғи кескин камайди.

Дарҳақиқат, барча соҳаларда бўлгани каби коммунал тизимда ҳам яратилган шароит хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, дебитор қарздорликнинг олдини олади. Хонадонларга етказиб берилаётган иссиқлик аҳолидан миннатдорлик туйғуларини кўпайтирмоқда.

Бугун тизимдаги ислоҳотлар вилоятнинг барча ҳудудларидаги амалий ишлар мисолида намоеён бўлмоқда. Ислоҳотларнинг шиддати келгуси фаолият учун маррани бандан олишга ундамоқда. Жорий йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳўжжатга асосан Наманган вилоятида бу йўналишда келгуси 5 йиллик учун устувор йўналишлар белгиланиб, унинг доирасида Янги Наманган туманидаги Беруний номли маҳалладаги қозонхона реконструкция ва модернизация қилинади, Чуст туманидаги “Янги Ўзбекистон” масивиде янги қозонхона қурилади ва бу мақсадлар учун 150 млрд сўм маблағ ўзлаштирилади. 140 та кўп қаватли уйларга марказлашган қозонхоналар орқали иссиқлик таъминоти етказиб берилади.



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎАА)
олган суратлар.

Кўхна ва боқий Бухоронинг бой маданий, тарихий мероси, ўз бағрида бир неча асрлик тарих сир-синаотини сақлаб келаётган маҳабатли ёдгорликлари, зиёратгоҳлари сайёҳларни доим ўзига мафтун этиб келган. Шу кунларда қадим шаҳарда сайёҳлик мавсуми бошланган.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларидаги кўрсаткичларга юз-ланадиган бўлсақ, вилоятта 195 мингдан зиёд хорижий сайёҳ ташриф буюриб, уларга кўрсатилган хизматлар орқали туризм экспорти 53,3 миллион АҚШ долларига етказилди. Шу билан бирга, республика ҳу-

дудларидан Бухорога 665,2 минг нафар маҳаллий аҳоли сайёҳ сифатида келган.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида Бухородан республика ҳудудларига 63,5 минг нафар маҳаллий аҳоли, қорхона ва

ташкилот ишчи-ҳодимларининг саёҳатлари тизимли равишда ташкиллаштирилди.

Қолаверса, жорий йилнинг январь-февраль ойлари мобайнида янги 6 та жойлаштириш воситаси, жумладан 1 меҳмонхона, 4 та оилавий меҳмон уйи, шунингдек, 6 туроператор ва турагент фаолияти йўлга қўйилди.

Йил якунига қадар Бухорога 2 миллион 200 мингдан зиёд хорижий, 4 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳнинг ташрифи кутилмоқда.

Ноқонуний қурилиш келтирар ташвиш

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бир неча йилдирки, давлатимиз раҳбарининг ташаббусига биноан замон талаби даражасидаги турар жойлар қурилиб, муҳтож оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун тадбиркорларга етарли шароитлар яратилиб, уларнинг фаолияти қонунлар билан ҳимояланаяпти.

Биламизки, шу соҳани пухта эгаллаган, йиллар давомида тажриба тўплаган кишигина қурувчи деган шарафли номга лойиқ бўлади. Қолаверса, айни пайтда қад ростлаётган ҳар қандай кўринишдаги бинолар узоқ муддат инсонларга хизмат қилиши керак.

Аммо баъзи тадбиркорларнинг қилаётган ишлари қонунга тўғри келмайди. Хоразм вилоятида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳаракати билан ана шундай “тадбиркорлар”нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилмоқда.

Яқинда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширув натижасида туманда рўйхатдан ўтган “К.Ҳ.” масъулияти чекланган жамиятнинг масъул ҳодимлари кўп қаватли турар жойларни қуриш учун ўтказилган тендерларга қатнашмай, шу бўйича ҳеч қандай рухсатнома олмасдан, ҳудуддаги “Тараққиёт” ва “Евғир” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Шовот туманидаги “Узункўл” маҳалла фуқаролар йиғинида 41 та кўп қаватли уй қуришга киришгани аниқланди.

Айрим фуқароларнинг амалдаги қонунларни пухта билмаслиги эса узумини егини, боғини сўрама, деганга ўхшайди. Гап шундаки, ўз ҳудудларида кўп қаватли уйлар қуриляётганини кўриб турар жойга муҳтож бўлган

бир неча оилалар “Бу уйлар қонуний қуриляптими, тегишли ташкилотнинг рухсати борми?” дея сўраб-суриштирмай, уй сотиб олиш мақсадида дастлабки тўлов пулларини ўз қўллари билан фирибгарларга топширади. Одамларнинг ишончига кирган “тадбиркор” эса гўёки кечиктириб тўлаш имконини бериш орқали уларда қизиқиш уйғотиб, 21 нафар фуқаронинг 573,4 миллион сўм пулини қўлга киритади ва ҳеч нарса бўлмагандек юраверади.

Орадан йиллар ўтсада, катта умидлар билан замонавий уйда яшашни ният қилганлар орзусидаги янги уйдан дарак бўлмагач, кимга пул берган бўлса, уни йўқлаб ишхонасига, уйига боради. Лекин текин бўлса, типратикани ҳам тириклай ютишга тайёр турганлар ҳар гал турли баҳоналарни рўқач қилиб, уларнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб жўнатаверишади. Ачинарлиси, қурилиш ишлари бошланиб, ҳеч вақт ўтмасдан объектлардаги ҳаракатлар йиллар давомида тўхтаб қолганини энг аввало, уй-жой учун дастлабки бадални тўлаган талабгорлар масъул ташкилотлардан суриштиришмаган.

– Маҳаллаамиз ҳудудида кўп қаватли турар жой қурилиши бўйича кўчадаги эълонга ишониб, нархи 260 миллион сўм бўлган икки хонали уй учун дастлабки пулни тўладим, – деди фирибгарнинг тузоғига илинганлардан бири Ф. Уданова (исм-шарифи ўзгартирил-

ди). – Етти йил оралиғида ҳар ой 2 миллион 500 минг сўмдан тўлов қилиш шарти билан белгиланган миқдордаги пулни икки йил давомида тўлаб бердим. Алданганимни билгач, пулларимни қайтаришни талаб қилиб, бир неча бор ташкилот офисига бориб, рад жавобини олдим. Охириги марта “тадбиркор”нинг уй манзилини топиб борганимда, пулни қайтариш ўрнига, “Яна бир бор уйимга келсанг, оёгингни синдираман!” деган дағдагани эшитдим.

Фирибгарнинг бу қилмишлари жавобсиз қолмади. Айни пайтда туман прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Халқимиз ноқонуний иш, келтирар ташвиш, деб бежизга айтмайди. Қанинқиди, туман ҳудудида содир этилган бундай ҳолат фақат шунинг ўзи бўлса. Таассуфки, қовун қовунни кўриб ранг олади, қабилида айрим кимсалар ҳокимлик захирасида турган ерларда турли ҳажмдаги ноқонуний қурилишлар қуриб, йиллар давомида фойдаланиб келгани ҳам мана бу текширувлар натижасида аниқланди. Жумладан, Қўшқўпир тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Ҳамдам Қучқаровдан олинган маълумотга кўра, 2024 ва жорий йилнинг дастлабки ойларида ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларининг ҳамкорликдаги ҳаракати билан ҳудуд бўйича 330 та ҳолатда 110,2 гектар ер майдонида қонунга зид ишлар аниқланган. Шундан, 164 тасида 4,97 гектар майдон ўзбошимчалик билан эгалланиб, қурилишлар қурилган. Давлат мулкига қасддан зиён етказиб, иқтисодий зарар келтирган ўзбошимча кишилар тегишли қонунлар билан жавобгарликка тортилди. 59 та ҳолат юзасидан эса суд жараёни давом этмоқда.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МЎБОРАК БЎЛСИН!

**2025 йил март ойининг 25-27 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Азиз Худайназаров**, Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Улуғбек Раҳимов**,

“Qutlilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Умиджон Каримов**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ “Шимолий” филиали бош мутахассиси **Алишер Жанабаев**, “Марказий” филиали етакчи муҳандиси **Муҳиддин Ўктамов**, “Навоий” филиали лойиҳа бош архитектори **Асоқул Ҳайитов**,

“Ташгипрогос” АЖ Архитекторлар гуруҳи раҳбари **Лариса Казанцева**, “Ўзоғирсаноатлоиҳа” АЖ АСС-2 етакчи мутахассиси **Қобилжон Отаев**, АСС-2 муҳандиси **Ғиёсбек Хушмуродов**, ОК раҳбари **Дилфуза Ғазилова**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ махсус қисм мудир **Евгения Кеврикис**, “Фаргона” филиали етакчи архитектори **Хуршидjon Зокиров**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси хизмати бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи **Сардор Камалов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўбаси етакчи мутахассиси **Нилуфар Ходжаева**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бош мутахассиси **Умид Шокиров**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўбаси хўжалик мудир **Нилуфар Ахатова**, ҳайдовчи **Ғайрат Тошев**,

Сурхондарё вилояти Узун тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Баҳодир Абдуллаев**, Шеробод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Исроил Обруев**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўбаси бошлиғи **Баҳодир Хўжаматов**,

Хоразм вилояти Янгиғарик тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мирзо Машарипов**, Тупроққалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Темурбек Азодов**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Билолов Усмон Коммунал сервис” БСК МЧЖ бош директори **Усмон Билолов**,

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги “Ёдгор Ҳақимов” БСК МЧЖ бош директори **Ёдгор Ҳақимов**,

Тошкент вилояти Олмалик шаҳридаги “Мамлакат она келажак” БСК МЧЖ бош директори **Севара Усмонова**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Romina-Kommunalchi” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Оксана Камишишниковаларни** таваллуд кун билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маҳкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонкулова

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИМ МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

**ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 341.
2091 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табақ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга
келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 22.50.
Топширилди – 21.05.